



“17” май 2021 й. № 02-06/2467

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда айрим ахборот воситаларида рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ амал қилинмаётганлиги кузатилмоқда.

Бугунги кунда, телеканаллар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар (иш, хизмат) рекламаси кескин фаоллашган бўлиб, кўплаб ҳолатларда бўрттирувчи ва истеъмолчиларни чалғитувчи иборалардан фойдаланилмоқда.

Жумладан, “жуда мазали”, “жуда фойдали”, “энг яхши маҳсулот”, “жуда яхши”, “энг машхур”, “жуда ёқимли”, “бунча мазали бўлмаса”, “ноёб таъм”, “мукамал”, “жуда ёқимли”, “энг олий сифат”, “идеал танлов”, “олий сифат”, дея маҳсулотнинг хусусиятлари бўрттириб кўрсатилганлиги ва рекламдан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ишончсиз иборалар кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида, Сиздан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз, товар (иш, хизмат)лар рекламасини қонун ҳужжатлари талабларига мослаштириш чораларини кўришингиз, шу жумладан, товар (иш, хизмат) таснифига оид берилган тарифни асословчи ҳужжатлари етарлича мавжуд бўлганда фойдаланишингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов